# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2022 йил 12 август, № 173 (8235) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

**«Ҳеч қачон унутманг, сизлар инсон ҳар томонлама эркин, озод ва фаровон яшайдиган Янги Ўзбекистон ҳамда Учинчи Ренессанс бунёдкорларисиз.**

**Ана шундай шарафга муносиб бўлиш йўлидаги интилишларингиз ва ҳаётда ўзингизнинг муносиб ўрнингизни топишингиз учун бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этамиз».**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

***● Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини 30 ёшгача бўлган навқирон авлод ташкил этади. Буни мамлакат учун ўзига хос қимматбаҳо “демографик дивиденд” деб аташ мумкин.***

***● Келгусида бугунги ёшлар катта ишчи кучига айланади. Айнан шу йигит-қизлар юртимизни янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига олиб чиқадиган авлод бўлиб шаклланади.***

***● Халқаро эътирофларга кўра янги Ўзбекистон ёшлари жамиятни ўзгартиришнинг фаол субъекти, модернизация жараёни учун муҳим манба ҳамда иқтисодий ўсиш ва авлодлар фаровонлигини таъминлаш йўлида бебаҳо ресурсдир.***

## КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

*Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 30 июнь куни мамлакатимизда кенг нишонланган Ёшлар куни тантаналарида иштирок этиб, сўзлаган нутқида ўғил-қизларимизни “халқимизнинг олтин фонди, Учинчи Ренессанс бунёдкорлари”, деб атагани бежиз эмас. Чунки ёшларимиз бошланган улкан ишлар давомчиси, орзу-умидларимиз рўёби, мамлакатимиз истиқболини белгилаб берадиган асосий куч ва омиллардан бири саналади. Буни, айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшлар борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, уларга кўрсатилаётган амалий ёрдам ва чора-тадбирлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.*

*Кейинги йилларда ёшларга оид 3 та қонун, Президентимизнинг ўнлаб Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиниши негизида ҳам ўғил-қизлар фаолияти учун муносиб шарт-шароит яратиш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, билим ҳамда малакасини ошириш, куч ва салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсади мужассам. Муҳими, бугунги кунда ушбу ҳужжатларда белгиланган кўплаб эзгу ишлар, мақсад ва вазифалар рўёбга чиқарилмоқда.*



**Бугун — Халқаро ёшлар куни**



Хусусан, Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия, Олий Мажлис палаталари қошида Ёшлар парламентлари тузилди. Ўзбекистонда 30 июнь — Ёшлар куни деб эълон қилинди.

Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси доирасида қатор вазифалар бажарилмоқда. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Концепцияда жисмонан соғлом, маънан етук йигит-қизларни тарбиялаш, уларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ислоҳотларга фаол жалб этиш масалалари ҳам қамраб олинган.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси асосида ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим яратилди. Айни пайтда маҳаллалар тизимида 9,5 минг нафар ёшлар етакчиси фаолият кўрсатмоқда. “Ёшлар дафтари”га киритилган 700 мингдан зиёд йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш учун 650 миллиард сўм йўналтирилди.

➡ 4

### Дил сўзи

## КЕЛГУСИДА ҲАМ БУНДАЙ ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ БЎЛИШГА ИНТИЛАМИЗ

*Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси чемпион бўлгани нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда катта акс садо берди. Оммавий ахборот воситаларида жаҳонга машҳур гроссмейстерлар, соҳа экспертлари ва мутахассислари бу оламшумул ғалаба тўғрисида, ёш спортчиларимизнинг ўзига хос ўйин услуби ва беқиёс салоҳияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда ҳамда таҳлиллар эълон қилинаётир. Жумладан, Буюк Британиянинг оммабоп “The Guardin” нашри шахмат олимпиадасида ғолиб бўлган ўзбек шахматчилари ва ўзбек шахмати ҳақида катта мақола эълон қилди.*

Олимпиада давомида бирор марта мағлубиятга учрамаган ягона гуруҳ — Ўзбекистоннинг 188 та жамоа иштирок этган ушбу энг нуфузли шахмат мусобақасидаги улкан муваффақияти юртдошларимизга чексиз ифтихор ва қувонч бахш этди. Спортчи ёшларимиз аэропортда катта тантана билан кутиб олинди.

Куни кеча Президентимизнинг “Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадаси ғолиблари ва иштирокчиларини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг фахрий унвон ва медаллар билан тақдирлангани, уларга пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо автомобиллар совға қилингани спортчи ёшларимиз, уларнинг ота-оналари, яқинлари қувончига қувонч қўшди.

Буни уларнинг дил сўзларидан ҳам англаш мумкин.

➡ 4

### Ишчи гуруҳ йиғилиши

## МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ



*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.*

Қўмита аъзолари қонун лойиҳасини қизғин муҳокама қилиш давомида уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириб, маромига етказиш бўйича бир қатор таклифлар берди.

Қайд этилганидек, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солиш бўйича ягона амалиётни шакллантирувчи ваколатли орган ҳамда давлат ташкилоти ходимларининг манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган манфаатлар тўғрисида хабар бериш амалиёти мавжуд эмас.

Давлат ташкилоти ходимининг, унинг яқин қариндошларининг ва унга алоқадор шахсларнинг шахсий манфаатлари билан фуқароларнинг, ташкилотнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келган ва келаётган ёхуд юзага келиши мумкин бўлган вазият манфаатлар тўқнашуви дейилади.

Муҳокама қилинаётган ушбу қонун лойиҳасида манфаатлар тўқнашувининг тушунчаси, давлат хизматчиларининг мажбуриятлари ҳамда уни тартибга солиш бўйича аниқ механизмлар белгилаб берилмоқда.

➡ 2

### Акс садо

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЯНГИ ТИЗИМ

### ИХЧАМ, САМАРАЛИ ВА ХАЛҚҚА ЯҚИН БЎЛАДИ

Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган халқчил сиёсат туфайли давлат хизматчилари бугун аҳолига анча яқинлашди. Халқ билан мулоқот ва уларни эшитиш, маблағларни одамлар талабига қараб йўналтириш, маҳаллабай ишлаш тизимлари йўлга қўйилиб, давлат хизматчиларининг самарали фаолият юритиши учун муносиб шароитлар яратилди.

Шу йил 4 август куни давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда икки йил давомида чуқур муҳокамалар асосида “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун тайёрланганини алоҳида қайд этди. 8 август куни мазкур қонун имзоланди.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йилларидан буён давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ бошқа муҳим қоидаларни ўзида акс эттирувчи қонунга эҳтиёж бор эди. Аммо 30 йил давомида бу каби қонун лойиҳаси бир неча бор ишлаб чиқилган бўлса-да, аммо парламент даражасида муҳокама қилинмаган. Давлат раҳбарининг сиёсий иродаси ва ташаббуси билан қабул қилинган мазкур комплекс ҳужжат соҳани янгилашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки давлат хизматида ишлаётган хоҳ амалдор, хоҳ оддий хизматчи бўлсин ўзининг келажагини ушбу тизимда кўриши қийин эди.

Йиғилишда давлат органлари ва ташкилотларига ишга қабул қилишнинг очиқ-ошкора тизими жорий этилиши таъкидланди. Шу мақсадда йил якунига қадар барча вакант лавозимлар очиқ ягона электрон платформага жойлаштирилиши, бўш лавозимга танловда қатнашиш учун ҳозирги кунда талаб этилаётган 16 та ҳужжат сўралмасдан барча жараён электрон шаклга ўтказилиши белгиланди. Бунда номзодларнинг билими, тажрибаси ва салоҳияти очиқ танлов орқали аниқланадиган бўлди. Бу ташаббус орқали энди ходимнинг қайси олий даргоҳда ўқигани ёки қаерда ишлагани эмас, қандай билим ва тажрибага эга эканлиги, иш фаолиятида кўрсатган натижалари асосий мезон бўлади.

➡ 3

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА МАСЪУЛ ҚЎМИТАЛАР АЪЗОЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ЎТКАЗИЛДИ

*Хабарингиз бор, Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йил июль ойида юз берган ҳолат ва воқеаларни ўрганиш бўйича комиссия ҳудудда содир этилган ҳодисаларни ҳар тарафлама ўрганмоқда.*

### Ўрганиш

Хусусан, комиссия аъзолари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари иштирокида ўтказилган учрашувда ҳудудда содир этилган воқеаларнинг яна қатор жиҳатларига ойдинликлар киритилди.

Куни кеча эса ушбу мулоқотнинг мантиқий давоми сифатида комиссия аъзолари Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари аъзолари билан учрашди.

Мулоқотда Конституциявий қонун лойиҳасининг тайёрланиши ва уни умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси юртимизнинг барча ҳудудида ташкил этилди. Хусусан, депутатлар томонидан ҳудудларга чиқилган ҳолда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда аҳоли вакиллари иштирокида қатор учрашувлар уюштирилиб, конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Тадбирда қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига 26 июндан 5 июлгача бўлган муддатга қўйилганига қарамай, фуқаролардан келаётган таклифлар кўлами эътиборга олиниб, ушбу муддат бир неча маротаба узайтирилгани, шу кунга қадар юртдошларимиздан 150 мингдан ортиқ мурожаатлар қабул қилингани алоҳида айтиб ўтилди.

Шунингдек, учрашув доирасида комиссия аъзолари фуқаролар таклифларини тақсимлаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ ҳамда Конституциявий комиссия Матбуот хизмати фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

**«Халқ сўзи».**

## ПАХТАЧИЛИКДА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ



### Бу оддий ҳолат эмас. Бу — революцион ҳолат!

*Давлатимиз раҳбари куни кеча Тошкент архитектура-қурилиш институтининг янги биносида бир гуруҳ талабалар билан суҳбат чоғида кутилмаганда, “Сизлар бир йилда неча ой пахтага боряпсизлар?” деб сўраб қолди.*

*“Йўқ, биз пахтага бормаймиз”, дея бир овоздан жавоб беришди ёшлар.*

### Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Шундан сўнг Президент пахта йиғим-теримида мажбурий меҳнатга барҳам берилгани, бу осон кечмагани ҳақида тўлқинланиб гапирди:

— Агар ўша пайтда ўқиганингизда ҳозир қопчиқ, “раскладушка” излардингиз, китоб эмас. Нимага десангиз, уч ярим ой пахтада бўлардик.

Пахта теримига мактабларни чиқаришни йўқ қилдик, пахта теримига бюджет ташкилотлари, шифокорларни ҳайдашни йўқ қилдик. Бу худдики оддий ҳолат... Бу оддий ҳолат эмас. Бу — революцион ҳолат!

Дарҳақиқат, шундай. Буни янги Ўзбекистон ёшлари унчалик ҳис қилишмас. Аммо бу кунлар қадрини янги ўқув йилини пахта даласида бошлаган авлод жуда яхши билади. Ахир олий ўқув юрти талабаларини пахта теримига чиқариш мустақилликдан кейинги йилларда ҳам одатий ҳол ҳисобланарди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси туфайлигина бу амалиётга буткул чек қўйилди.

➡ 3

# ВАЗИФА ҚАНЧАЛИК ТУШУНАРЛИ БЎЛСА, УНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ШУНЧАЛИК ОСОН КЕЧАДИ

*Парламент юқори палатасининг яқинда бўлган йигирма тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга янгича суръат бериши кутилаётган қатор долзарб масалалар чуқур таҳлил қилинди. Эндиги вазифа ана шу масалаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш ва уларнинг ижросини таъминлашдан иборат. Зеро, вазифа қанчалик тушунарли бўлса, уни рўёбга чиқариш шунчалик осон кечади.*

## Сенатор ва ҳаёт

Шу мақсадда айни кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлиб, тарғибот тадбирларини ўтказмоқда. Уларда нафақат ялпи мажлисда кўрилган масалалар, шу билан бирга, жойларда олиб борилаётган кўламли ишлар, тегишли ҳужжатлар ижроси ҳамда аҳоли мурожаатлари атрофлича таҳлил қилинаётир.

Куни кеча Учқўрғон тумани ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Маҳмуджон Парпиев иштирокида бўлиб ўтган мулоқотда ялпи мажлисда кўрилган масалалар моҳияти теран очиб берилди.

Тадбирда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоллари, умумий ўрта таълим мактаблари директорларининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда адлия бўлими ходимлари иштирок этди.

Сенатор ялпи мажлисда 14 та масала, жумладан, 6 та қонун муҳокама қилингани ҳақида тўхталаркан, бир қатор қонунларнинг рад этилганига алоҳида урғу берди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси жамият эҳтиёжи асосида ишлаб чиқилгани, аммо унда айрим меъёрларни қўллаш механизми етарлича очиб берилмагани айтилди. Масалан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат уй-жой фондидаги тураржойларни юридик шахсларга белгиланган мақсадда фойдаланиш учун ижара шартномаси шартлари асосида бериш ваколатини амалга ошириш тартиби белгиланмаган. Бу эса ҳокимият ваколатларини суиистеъмол қилиш ва коррупцион ҳолатларга шароит яратиши мумкин. Яна бир қатор камчиликлар борлиги учун мазкур кодексни такомилига етказиш зарур, деб топилди.

Сенатор Манзура Салимова иштирокида халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши котибиятида ўтказилган тадбирда мазкур Кенгашнинг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси билан биргаликда Фарғона ва Марғилон шаҳарларини боғловчи “4Р-140а” автомобиль йўлининг “ПК48+40” қисмидаги йўлўтказгични тўла таъмирлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Шундан сўнг қурилиш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида объектнинг ўзида ўрганиш олиб борилди ҳамда вазифани вақтида бажариш юзасидан масъулларга топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, кун давомида сенатор томонидан фуқаролар мурожаати юзасидан қабул ташкил этилиб, уларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш бўйича масъулларга вазифалар юклатилди.

Қарши шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Гулнора Маъруфова иштирокида бўлиб ўтган тарғибот тадбирида халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси тегишли тузилмалари мутасаддилари, мактаблар директорлари, хотин-қизлар фаоллари қатнашди.

Сенатор парламент юқори палатасининг йигирма тўққизинчи ялпи мажлисида кўрилган бир қатор масалаларга батафсил тўхталди. Жумладан, Тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярмидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза ҳақидаги ахбороти, ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти, Бухоро вилояти ҳокимининг туризм соҳасини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда хизмат кўрсатиш амалиётини ривожлантириш юзасидан ҳудудда олиб борилаётган ишлар бўйича ҳисоботи хусусида сўз юритаркан, мазкур йўналишларда амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар билан бир қаторда, ҳали олдинда турган долзарб вазифаларга иштирокчилар эътиборини қаратди.

Сенаторларнинг ҳудудлардаги тарғибот тадбирлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

1

Шунингдек, қонун лойиҳасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича асосий принциплар, давлат ташкилоти ходимларига нисбатан манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чекловлар ўз аксини топмоқда.

Депутатлар қабул қилинаётган ҳар бир қонун, энг аввало, халқ манфаатларига, соҳада тўпланиб қолган масалалар ечимига хизмат қилишини айтиб, ишчи гуруҳ аъзоларига бир қатор саволлар берди. Ўз навбатида, ушбу саволларга мутасаддилардан атрофлича жавоблар олинди.

Ҳозирги кунда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

# ЎСИМЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КУТИЛЯПТИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказди.*

Таъкидланганидек, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар бозорида контрафакт ва қалбакилаштирилган маҳсулотлар учрамоқда. Қолаверса, контрафакт кимёвий воситаларни йўқ қилиш масалалари тартибга солинмаган.

Бу эса қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ва кимёвий воситалардан фойдаланишнинг кенгайиши тенденциясини ҳисобга олган ҳолда, хавфли кимёвий моддаларнинг қишлоқ хўжалигига таъсирини мақбул хавф даражасига қадар камайтиришни тақозо этмоқда.

Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасида юқоридаги масалалар ечими ўз аксини топган. Жумладан, ушбу ҳужжатда ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини тартибга солиш, бу йўналишдаги давлат бошқаруви ва назорати, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари, кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материалларни сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, йўқ қилиб юборишга доир талаблар киритиш назарда тутиляпти.

Хўш, мазкур қонун лойиҳасида қандай янги нормалар акс этмоқда? Унинг қабул қилиниши билан мавжуд муаммо ва камчиликлар бартараф этиладими?

Ишчи гуруҳ аъзоларининг билдиришича, ушбу ҳужжат қабул қилиниши билан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ҳуқуқ ҳамда ваколатлари, шунингдек, мажбуриятлари қонун даражасида мустаҳкамланади. Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан самарали фойдаланиш белгиланган нормаларга мувофиқ йўлга қўйилади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди, депутатлар томонидан кўплаб асосли таклифлар берилди. Ҳар бир таклиф олимлар, экспертлар иштирокида кўриб чиқилиб, уларнинг аксарияти қонун лойиҳасида акс эттириладиган бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАРБИЙ СУДЬЯЛАР СЕНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьялари ва ходимлари билан учрашди.*

## Учрашув

Бундан кўзланган асосий мақсад судьялар ва суд ходимларини Сенат фаолияти билан яқиндан таништириш, шунингдек, уларда парламент юқори палатасининг иш жараёни ҳақида амалий кўникмаларини янада оширишдан иборат.

Шундан келиб чиқиб, мулоқотда Олий Мажлис Сенатининг асосий фаолияти, хусусан, унинг ваколатлари, сенаторлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, юқори палата аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонунлар ижроси бўйича парламент назоратини олиб боришнинг айрим жиҳатлари юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Учрашув доирасида бугунги кунда долзарб қонунларни қабул қилиш, давлат дастурларининг ижросини таъминлаш, парламент назоратини олиб бориш ҳамда ижро органлари ва мансабдор шахсларнинг халқ олдидаги ҳисобдорлигини ошириш фаолиятнинг устувор йўналишлари эканлиги таъкидланди.

Мулоқот давомида судьялар парламент юқори палатаси фаолиятига оид кўплаб саволларга жавоб олиш имконига ҳам эга бўлди.

Ўз навбатида, меҳмонлар Сенат қўмиталари ва девони иш жараёнини кўздан кечирди.

Иштирокчилар томонидан айтилганидек, бундай учрашувлар ўзаро мулоқот майдони вазифасини ўташи билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**«Халқ сўзи».**

# МАҚСАД — ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН БАРЧА ШАРОИТНИ ЯРАТИШ

*Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик фаол ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Жамиятда тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарди, уларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин ортиб бормоқда.*

## Фикр

Айниқса, Президентимизнинг мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқот ўтказаётгани кўп йиллик муаммоларга ечим топишда, бизнесни ривожлантиришда қўл келмоқда. Энг муҳими, бу мулоқот ўз бизнесини йўлга қўйиш ниятида юрган минг-минглаб ишбилармон ёшларнинг ўз фаолиятини бошлашида мотивация бераётир.

Ўтган йилнинг 20 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар билан илк бор очиқ мулоқот ўтказган эди. Эътиборлиси, ушбу сана мамлакатимизда “Тадбиркорлар куни” сифатида белгиланди ва ҳар йили шу куни Президент ва тадбиркорлар ўртасида очиқ мулоқот ўтказиш анъана тусини олди.

Яқинда давлатимиз раҳбари очиқ мулоқотга тайёргарлик кўриш юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда тадбиркорлардан савол ва таклифларни йиғиш бўйича республика штаби ҳамда “Call-марказ” ташкил қилингани айтилиб, бугунги кунгача 7 минг 200 дан ортиқ таклиф ва мурожаатлар келиб тушгани қайд этилди.

Ҳозирги кунда республика штаби аъзолари уларда кўтарилган тизимли ва хусусий масалаларни ҳар куни муҳокама қилиб, уларни ижобий ҳал этмоқда. Чунки қаерда тадбиркорларга қулай имкониятлар яратилса ва уларнинг муаммоларига ечим топилса, ўша жойда ривожланиш, юксалиш бўлиши, шубҳасиз.

Таҳлилларга кўра, хусусий мулк ҳимояси, лицензия ва рухсатномалар олишдаги бюрократия, тадбиркорлар учун кредит, ер ва бино ажратиш, солиқ маъмурчилиги ҳамда инфратузилма масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда бу муаммоларнинг сабаблари ва уларни ҳал қилиш чоралари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир мурожаатни, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни қийнаётган масалаларни алоҳида назоратга олиб, қонуний ва ижобий ечим топиш зарурлигини билдирди. Ҳудудларга чиқиб, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш асосида бизнес учун шароитларни яхшилаш, тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Умуман олганда, тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказилаётгани ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Зеро, очиқ ва юзма-юз мулоқотларда тадбиркор ва ишбилармонлар ўз дардини, муаммосини очиқ баён этади. Кўп йиллик масалалар ҳал этилади, ечим топади.

**Ҳазратқул ХЎЖАМҚУЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Муносабат



## «Ҳукумат соати»:

# НАРХЛАРНИНГ УСТИДАН КИМ НАЗОРАТ ОЛИБ БОРАДИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида куни кеча уюштирилган “Ҳукумат соати” аввалгиларидан ўзгача тарзда ўтди. Савол-жавоб ва муҳокамаларга бой бўлган мажлисда “Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, шу жумладан, соҳага ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш, олис ва чекка ҳудудларда тиббиёт пунктларини ташкил этиш ҳамда уларни кадрлар билан таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида”ги масала муҳокама марказида бўлди.*

*Ушбу масала юзасидан депутатларнинг саволларига соғлиқни сақлаш вазири Б. Мусаев жавоб берди.*

*Мухбиримиз “Ҳукумат соати”да депутатлар томонидан берилган саволларга алоҳида эътибор қаратди.*

**Ж. АБДУРАСУЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Маълум бўлишича, давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат нархлари Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланади. Келинг, шу ўринда рақамларга назар солсак.

Масалан, Болалар миллий тиббиёт маркази томонидан кўрсатилаётган баъзи хизматлар нархи (ўрин (койка), лаборатор текширувлар, УЗИ ва бошқа таҳлиллар) хусусий клиникалар нархларидан 2 баробар қиммат. Ваҳоланки, тумандан йўлланма (ордер) билан келган беморларга бепул хизмат кўрсатилса-да, ушбу хизматлар харажатлари Давлат бюджетидан қоплаб берилади. Мазкур нархларнинг ҳисоблаб чиқарилиши учун асос борми?

Умуман, нархларнинг устидан ким назорат олиб боради?

**Б. МУСАЕВ,**
**соғлиқни сақлаш вазири:**

— Масаланинг ичига кириб, чуқур таҳлил асосида савол берганингиз учун раҳмат.

Биз суғурта тизими орқали қоплаш борасида тажриба орттиряпмиз. Бу бўйича Давлат тиббий суғурта жамғармасининг бир қатор вазирлик ва идоралардан иборат Бошқарув кенгаши бор. Айтайлик, бир ой аввал йиғилганимизда бир қанча харажатларни оптималлаштиришга келишиб олдик. Шу ўринда мен сиз айтган мисолларга яна қўшимча қилмоқчиман.

Мисол учун, Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида даволаш протоколи бўйича стационар даволаниш муддати 12 кун деб белгиланган. Ҳозирги пайтда жаҳон амалиёти бўйича урологик касалликлар янги тиббий технологиялар ёрдамида операция қилиниб, уч кундан ортиқ даволанишга ҳожат қолмаяпти. Энди Болалар миллий тиббиёт марказига келсак, муассаса бугунги кунда 50 фоиз Давлат бюджетидан, 50 фоиз хўжалик ҳисобидан фаолият олиб бормоқда.

Сиз айтган тарифларни ёзиб олдим. Белгиланган тарифларни нафақат бу марказда, балки бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам ишчи гуруҳлар тузиб оптималлаштирамиз, соддалаштирамиз ва харажатларни қисқартиришга ҳаракат қиламиз. Натижада Давлат тиббий суғурта жамғармасига ажратилган 556 миллиард сўм бюджет маблағидан имтиёзли гуруҳга кирувчи касалларни кўпроқ даволаш имкониятига эга бўламиз.

**«Халқ сўзи».**

# ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

*Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Марказий Осиё ва Россия меҳнат инспекторларининг биринчи минтақавий форуми ўтказилди.*

Унда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мутасаддилари ҳамда Россия Меҳнат ва бандлик федерал хизмати раҳбари Михаил Иванков барча форум қатнашчиларини ўзаро халқаро ҳамкорлик муносабати билан табриклади.

Таъкидланганидек, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва иш берувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги энг долзарб муаммоларни ҳал этиш, ишчиларнинг ҳаёти хавфсизлиги, саломатлиги, фаровонлигини таъминлашда меҳнат инспекторларининг хизмати катта. Шу сабабли бу борада хориж тажрибасини ўрганиш, бошқа давлатлар мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги пайтларда бу борадаги ишлар самарали ташкил этилаётгани туфайли жойларда кўплаб муаммолар бартараф этиляпти.

Форум доирасида бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Ҳусанов Россия Меҳнат ва бандлик федерал хизмати раҳбари Михаил Иванков билан учрашди. Унда томонлар Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида 2017 йил 5 апрелдаги «Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида»ги битимни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи фаолияти натижаларини муҳокама қилди. Мазкур битим бўйича Россияда Ўзбекистон фуқароларини ишга жалб этиш тизимини ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича вазифалар келишиб олинди.

Шундан сўнг Бўстонлиқ туманида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Россиядан 60 нафар эксперт иштирокида Меҳнат инспекторларининг икки кунлик биринчи минтақавий форуми ташкил этилди.

Мақсад Марказий Осиё минтақаси ва Россияда меҳнат соҳасида давлат назоратини амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдир. Қолаверса, малака ошириш ва тажриба алмашиш орқали меҳнат инспекторларининг билим даражаси, ишчанлигини оширишдан иборат.

Форумнинг иккинчи куни Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияси ва асослари тушунчаси, меҳнат миграцияси соҳасида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қонунчилиги, рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг таснифи, уларни ўрганишда энг муҳим инспекторлик кўникмалари ҳақидаги мавзулар ўрин олди.

Иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда ҳар бир давлат миқёсида тажриба алмашиб, ўз билимларини оширмоқда.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЮРТИМИЗ РАВНАҚИДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти, USAIDнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотлар дастури ҳамкорлигида “Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтириш жараёнларига таъсири: нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш жараёнларидаги ўрни ва роли” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

## Тадбир

Қайд этилдики, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида аҳоли, қолаверса, жамоат ташкилотларининг роли сезиларли даражада ортди. Буни яқинда муҳокамаси якунланган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур умумхалқ муҳокамаси давомида ёшлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, умуман олганда, Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимизнинг 150 мингдан ортиқ таклифлари келиб тушган. Бу фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириши учун барча қулайлик яратиб берилаётганининг ёрқин намунаси ҳамдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 4 мартдаги “2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг барча босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокига доир ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш каби қатор вазифалар киритилган эди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган 9 мингдан ортиқ фуқаролик жамияти институтлари мисолида таҳлил қилинганда, биргина Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва унга аъзо нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ваколатли органларга фуқаролик жамияти ривожига хизмат қилувчи қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан жорий йилнинг ўтган даври давомида 400 дан зиёд таклифлар киритилган.

Тадбирда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори Ф. Отахонов “ҳуқуқ ижодкорлиги” тушунчаси ва субъектлари, “фуқаролик жамияти” тушунчаси, унинг таркибига кирувчи институтлар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида иштирокининг ҳуқуқий асослари, шакллари, воситалари ва институционал кўринишлари масалаларида сўз юритиб, ҳуқуқ ижодкорлигида фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлашдаги муаммоларга тўхталди.

— Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz)да фуқаролик жамияти институтларининг қонун лойиҳалари ва амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича билдирган таклиф ва фикр-мулоҳазаларига муносабат билдириш механизмларини янада такомиллаштириш, қонун лойиҳалари юзасидан келиб тушган таклифларни умумлаштириш вазифасини Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти зиммасига юклаш керак, — дейди Ф. Отахонов. — Фуқаролик жамияти институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнига жалб қилинишининг самарали механизмларини жорий этиш, бунда амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча, ўзгартиш киритиш ва унда фуқаролик жамияти институтлари учун мотивацияни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Муҳокамалар мобайнида фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтириш жараёнларига таъсирини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва бу борадаги муаммолар ҳам таҳлил қилинди.

Якунда фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий давлат барпо этишдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бу борада давлат органлари билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш шакллари, усуллари ва механизмларини тартибга солувчи мавжуд қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# ПАХТАЧИЛИКДА

## МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ



Бу оддий ҳолат эмас.
Бу — революцион ҳолат!

1

Ўшанда, яъни 2017 йилнинг 21 сентябрь куни талабалар ва ўқитувчиларни пахта далаларидан қайтариш бўйича буйруқни эшитганлар ҳанг-манг бўлиб қолганди, рости. Айримлар буни “вақтинчалик кампания”га йўйди. Баъзи хорижий нашрлар эса ушбу ижобий ҳолатни олқишлаш ўрнига унга худдики хато хатти-ҳаракатдек тус берди.

Мана, гувоҳи бўлиб турибмизки, бу инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотларнинг дастлабки одими экан.

## «Қора тамға»дан халос бўлдик

“Мажбурий меҳнат”, “Болалар меҳнати” каби таъна-дашномлар нафақат пахтачилигимиз, балки у билан бевосита боғлиқ бўлган соҳалар, айниқса, тўқимачилик саноати ривожига соя ташлаб келди. Негаки, “Cotton Campaign” халқаро коалицияси шу каби важлар билан ўзбек пахтасига нисбатан бойкот эълон қилган эди.

Оқ пахтамиз 2009 йилда “Cotton Campaign” коалициясининг “қора рўйхати”га тушган бўлса, орадан бир йил ўтгач, ушбу чақириққа 60 дан ортиқ компаниялар қўшилди. 2022 йилга келиб эса ўзбек пахтасини бойкот қилган халқаро бренд ҳамда ритейлерлар сони 331 тага етди. Улар орасида “C&A”, “Gap Inc.”, “H&M”, “Levi Strauss & Co.”, “Tesco”, “Walmart”, “Nike”, “Zara” каби дунё тўқимачилик бозорида етакчи бўлган йирик брендларнинг ҳам борлиги ўзбек пахта-тўқимачилик саноати ва унинг экспортига салбий таъсирини ўтказмай қолмади, албатта.

Буни яқиндан билган давлатимиз раҳбари ислоҳотларни, аввало, қишлоқ хўжалигини модернизация қилишдан бошлади. Яъни охирги беш йилликда пахтадан “сиёсий экин” туси том маънода олиб ташланди. Қишлоқ хўжалигида бозор тамойиллари жорий этилиб, кластер усулига ўтилди.

Президент ғояси асосида ташкил этилган мазкур инновацион тузилма пахтачиликда сифат ўзгаришлари ясаяпти. Айниқса, ер муносиб қўлларга ўтгач, дала юмушларига бошқа соҳа вакилларини ҳуда-беҳуда сафарбар қилиш ҳолатларига тамомила чек қўйилди. Қишлоқ хўжалигида мажбурий меҳнат таг-томири билан суғуриб ташланди.

Очиғини айтиш керак, халқаро майдонда янги Ўзбекистонда юз бераётган бундай инқилобий ўзгаришларни, пахтачиликдаги ижобий ўнгланишларни ҳазм қилиш, эътироф этиш силлиқ кечмади. Шу боис бу борадаги халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлиги, шунингдек, “Cotton Campaign” коалицияси билан ҳамкорликда одам савдоси, мажбурий меҳнатга қарши курашиш ва ишчилар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар муваффақиятли амалга оширилди.

Энг асосийси, мамлакатимизда миллий қонунчилик такомиллаштирилиб, улар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Эътибор беринг, 2019 — 2021 йилларда 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, бундан ташқари, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилотининг қатор конвенция ҳамда баённомалари ратификация қилинди. Болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Шу тариқа пахта-тўқимачилик саноатининг бамисоли пешонасига босилган тамға олиб ташланди. 2022 йилнинг 10 март куни “Cotton Campaign” халқаро коалицияси ўзбек пахтасига нисбатан бойкот бекор этилганини расман эълон қилди.

## Синалган усул натижаси

“Cotton Campaign” халқаро коалицияси вакилларининг эътироф этишича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачиликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг кластер усулига ўтилгани энг тўғри йўл бўлди. Бунинг натижасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди.

Чиндан ҳам, шундай. Давлатимиз раҳбари ўзбек матбуотига берган илк интервьюсида бу ҳақда тўхталиб, шундай деган эди:

*“Яқин-яқингача ҳар йили тахминан 6-7 миллион одам пахта теримига мажбуран сафарбар этиларди. Мана, уч йилдан буён улар бу машаққатдан қутулди. Қанчалик қийин бўлмасин, бу соҳада биз бозор иқтисодиётининг синалган ва самарали усулларини, жумладан, кластер тизимини жорий этдик”.*

Бугунги кунда Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси тизимида 134 та кластер фаолият юритмоқда. Чигит экишдан тортиб, пахта етиштириш, ҳосилни йиғиштириб олиш, ҳатто хомашёни чуқур қайта ишлаш билан кластерларнинг ўзи шуғулланмоқда. Биров четдан келиб ғўзани чопиқ, чеканка қилаётгани йўқ, пахтасини ҳам териб бераётгани йўқ.

Буни кўриб-билиб турганлар ҳақли равишда эътироф этишмоқда: мана, қилса бўлар экан-ку?!

## Механизациялаштириш жараёни жадаллашди

Таҳлилларга қараганда, пахтачилик тўлиқ кластерлаштирилгач, соҳада йиғилиб қолган муаммолар ечилиши баробарида, деҳқончилик маданияти юксалмоқда. Замонавий техникалар сотиб олиниб, машина-трактор парклари моддий-техника базаси янгиланяпти. Агротехника тадбирларини бажаришда смарт техникалар, ресурстежамкор технологиялар, интенсив усуллар қўлланилмоқда.

Масалан, охирги икки йилда 169 минг гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш жорий қилинди. Бу обиҳаёт тежалиши баробарида, шунча майдонда эгат оралаб, сув тарайдиган сувчиларнинг иши енгиллашди, деганидир.

Айни пайтда пахта-тўқимачилик кластерлари ушбу натижалар билан чегараланиб қолмасдан, тармоқни максимал даражада механизациялаштириш, қўл меҳнатини минимумлаштириш устида иш олиб боришяпти. Бунда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери тузилаётгани айни муддао бўлаётир.

Гап шундаки, Чирчиқда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери ташкил этилмоқда. 2023 йилда тўлиқ ишга тушириладиган ушбу кластерда культиватор, сеялка, косилка, чизель, борона, шунингдек, кўплаб янги ва замонавий ускуналар, юқори унумли техникалар ишлаб чиқарилади.

Хусусан, эскирган тракторлардан тўлиқ воз кечилиб, деҳқонларга янги миллий тракторлар етказиб берилади. Ўз навбатида, пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда қўл меҳнатидан босқичма-босқич воз кечилади. Айтайлик, жорий йилда етиштирилган ҳосилнинг 35 фоизини, 2023 йилда эса 50 фоизини пахта териш машиналарида йиғиштириб олиш режалаштирилган.

Бу янгиланишлар замирида битта мақсад мужассам, у ҳам бўлса, одамлар учун қишлоқ хўжалиги соҳасида муносиб меҳнат шароити яратиш, инсон қадрини улуғлашдир.

**Саид РАҲМОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЯНГИ ТИЗИМ

## ИХЧАМ, САМАРАЛИ ВА ХАЛҚҚА ЯҚИН БЎЛАДИ

1

Мазкур очиқ танлов тизими тажриба тариқасида, Самарқанд вилояти ва Давлат солиқ қўмитасида синовдан ўтказилганлиги қайд этилиб, ушбу тажрибани тизимли равишда барча вазирлик ва идораларда ҳам жорий қилиш белгиланди.

Йиғилишда давлат хизматчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, хорижий ўқув марказлари билан бирга қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилиб, вазирликлар тизимидаги 110 та малака ошириш маркази фаолиятини қайта кўриб чиқиб, ўқитиш дастурлари ва методикаларини янгилаш, уларга малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тан олиш керак, янги Ўзбекистон бугунги кунда катта марралар сари дадил одимламоқда. Ҳар бир ислоҳотни одамлар ўз ҳаёти мисолида сезиши, ҳаётдан рози бўлиши йўлида жиддий қадамлар ташланди. “Инсон қадри учун” тамойилини амалга оширишда бугун ҳар бир давлат фуқаролик хизматида малакали, билимли ва салоҳиятли кадрларга эҳтиёж ҳам тобора ортиб боряпти. Давлат хизматчиси бўлиш имтиёз эмас, балки масъулият эканлигини барча соҳадаги раҳбарлар ҳис қилмоқда.

Видеоселектор йиғилишида бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилди. Ҳар бир соҳадаги очиқлик, шаффофлик аҳолининг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Узоққа бормайлик, яқин-яқинда ҳам ишга қабул қилишда таниш-билишчилик, ортиқча қоғозбозлик бор эди. Бугун эса босқичма-босқич бунга бутунлай барҳам беріляпти. Номзоднинг билими, тажрибаси ва салоҳияти очиқ танлов орқали аниқланмоқда.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси ҳам халқимизга давлат хизмати кўрсатишни сифат, шаффофлик ва очиқлик жиҳатидан янги поғонага олиб чиқади.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши ва тараққий этиши, шубҳасиз, давлат бошқаруви тизимининг нечоғли самарали ташкил қилинишига боғлиқ.

Аслида бу масалага бугун эътибор қаратилаётгани йўқ. Президентимиз 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, қўйилган мақсад ва кутилаётган натижаларга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Ушбу вазифаларни тўғри англаган ҳолда мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти натижадорлигини кўтаришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлат бошқаруви ва хўжалик функцияларини бирга қўшиб олиб бориш амалиётидан воз кечилди. Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий таъминотини яхшилашнинг замонавий механизмлари яратилди. Натижада соҳада хизмат қилиб келаётган 118 минг нафар давлат хизматчиси халққа анча яқинлашди, маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш тизими йўлга қўйилди. Давлат хизматидаги 40 ёшгача бўлган ходимлар улуши илгариги 37 фоиздан 61 фоизга етказилди.

Бироқ бугун жойларда аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга йўналтирилган иқтисодий-ижтимоий лойиҳалар ижросида айрим давлат хизматчиларининг етарли билим ва тажрибага эга эмаслиги бевосита одамлар кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатлар эса давлат хизматини ислоҳ қилиш ҳамда бошқарувда натижадорлик ва сифатни ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тўғри, лицензия бериш, олийгоҳларга ҳужжат топшириш, кадастр ҳужжати, туғилганлик гувоҳномаси ва хорижга чиқиш паспортини олиш, тўлов тизимлари бўйича аҳолига кенг имкониятлар яратилди. Аммо одамларга ҳали кўп соҳаларда қулайликларни янада ошириш лозим. Жумладан, субсидиялар учун аҳоли ва тадбиркорлар ўртача 10 та вазирлик ва идорадан хулоса олиши керак. Электр тармоқларига уланишда ҳам ортиқча харажат ва бюрократия кўп. Тиббиётда қайси хизмат бепул ёки пулли бўлиши, давлатдан бериладиган дориларнинг ҳисоб-китоби ва эгасига етиб бориши кўп туманларда ҳали ечимини топгани йўқ. Қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, стандарт, карантин идораларида ҳам аҳоли ва тадбиркорларнинг иши битиши қийин бўлган жараёнлар талайгина. Шунинг учун Президентимиз Бош вазир олдига бир ой муддатда ҳар бир вазирлик ва ҳокимликда аҳоли ва тадбиркорларга хизмат кўрсатиш жараёнларини тушунарли ва қулай шаклга келтириш, ортиқча харажатлар ва ҳужжатларни қисқартириш, аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатадиган шароитларни яратиш бўйича “Йўл харитаси” ижросини таъминлаш вазифасини қўйди. Бундан кўзланган мақсад — одамлар розилигига эришишдир.

Йиғилишда яна бир муҳим масала кўтарилди. Ўтган йили Халқ қабулхоналарига вазирлик ва ҳокимликлар ходимларининг билимсизлиги ва масъулиятсизлиги ҳақида 25 мингта, уларнинг мулоқот маданияти етишмаслиги билан боғлиқ 7 мингта шикоят келиб тушган. Билдирилган эътирозлардан ҳам англаш мумкинки, қобилиятни аниқлаш, ўқитиш, ишни яхшилашга ўргатадиган яхлит тизим бўлмагани учун айрим мутасаддилар вазифаларини эплай олмаяпти. Умуман, раҳбарларни танлаш, тайёрлаш ва мотивация бериш йўлга қўйилмагани ижродаги камчиликларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса кўзланган мақсад ва марраларга эришишда салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мавжуд муаммоларни бартараф этиш, давлат идоралари олдида турган устувор вазифаларни амалиётга татбиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ушбу ҳужжат талабларидан келиб чиққан ҳолда эндиликда давлат идораларига ишга қабул қилишнинг очиқ-ошкора тизими жорий этилади. Шунингдек, Ёш мутахассисларни танлаш дастури доирасида битирувчи курсларда ўқиётган қобилиятли талабалар сараланиб, вазирлик ва ҳокимлик тизимида стажировка ўтайди ва ўқишни тамомлагач, шаффоф танлов асосида ишга қабул қилинади.

Йиғилишда бугунги кунда вазирликлар марказий аппаратидаги раҳбарларнинг 40 фоизи туман поғонасини кўрмаганлиги, туман миқёсидаги раҳбарларнинг 60 фоизи эса вилоят ёки республика идораларида ишламаганлиги ҳам танқид қилинди. Шу боис Президент давлат идораларида “маҳалладан — республикагача” тамойили асосида кадрларни ўстиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун 1 ноябрдан бошлаб, эски намунадаги маълумотномадан воз кечилиб, ходимнинг малакаси ва эришган натижаларини илғор технологиялар асосида баҳолайдиган тизимга ўтилади. Оддий айтганда, раҳбарликка тасодифан, кимнингдир таниши бўлганлиги ёки нуфузи баланд олийгоҳни битириб, юқори ташкилотларда ишлагани учун келиб қолишининг олди олинади.



Бу ўзгаришлар мамлакатимизни тараққиётга етаклайди. Коррупция, таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчиликка барҳам беради. Давлат хизматчиларини масъулият билан ишлашга ўргатади. Юқори идорада ишловчи раҳбарларда халқ билан ҳеч бир бюрократик тўсиқсиз, халқ хизматчиси сифатида мулоқот қилиш маданияти шаклланишига олиб келади.

Албатта, давлат хизматчиларига ўз вазифаларини амалга оширишда юқоридаги каби талаблар қўйилиши бугуннинг зарурати саналади. Аммо улар фаолиятининг кафолатларини ҳам кучайтириш, меҳнатига яраша муносиб рағбатлантириш орқали ишига бўлган масъулиятини янада яхшилашга эришиш мумкин.

Шу боис давлатимиз раҳбари йиғилишда ушбу жараёнга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, келгуси йилдан ходимнинг тажрибаси, малакаси ва эришган натижасига қараб, рағбатлантириш тизими жорий этилади. Уларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳисобидан суғурта қилинади. Ўз вазифаларини ҳалол ва пок бажараётган давлат хизматчилари учун кексаликни муносиб ўтказиш кафолатлари яратилади.

Мухтасар айтганда, бу ижобий ўзгаришлар 35 миллионли халқимизнинг ҳаётини енгиллаштириш, уларни рози қилиш, давлат хизматини ислоҳ этиш ҳамда бошқарувда натижадорлик ва сифатни ошириш кафолатидир.

**Тўлқин ТЕШАБОЕВ,**
**Тошкент молия институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# «ОҚИЛА АЁЛЛАР»НИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

*Жамиятнинг асосий таянчи, бу — оила. Оилада маънавий муҳитни яхшилаш, фарзандлар тарбиясидаги масъулият, миллий қадриятларни сингдириш ва қатор ташаббусларда фаол ва шижоатли аёлларнинг ўрни бор.*



## Мушоҳада

Давлатимиз раҳбари Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан аёлларимизга йўллаган табригида ҳам айнан обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга “Оқила аёллар” ҳаракатини ташкил қилишни таклиф этиб, бу ҳаракат том маънода “маҳалланинг виждони”га айланиши кераклигини таъкидлаган эди. Зеро, маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди. Қолаверса, учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш, жамиятда янги маънавий макон яратиш ишлари оила, оналар маънавияти билан узвий амалга оширилиши лозим.

Президентимиз таклифидан сўнг Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан ҳудудларда ҳаётий тажрибага эга ташаббускор аёллар ҳаракатлари йўлга қўйила бошланди. Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларида 35 — 40 нафардан, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларида 30 нафардан, маҳаллаларда 15 нафардан фаол ҳамда ташаббускор тарғиботчи аёллардан иборат таркиб шакллантирилди. Улар бугунги кунда хонадонма-хонадон юриб, опа-сингилларимиз шароитларини ўрганиб, маънавият улашиш билан шуғулланмоқда.

Айтиш жоизки, “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларига оид Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниши билан мазкур ҳаракатнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ҳужжатнинг кучга кириши хотин-қизларни янада руҳлантириб юборди, десак, муболаға бўлмайди.

Хўш, ушбу жамоатчилик тузилмаси нима беради?

Қарорда ҳаракатнинг асосий вазифалари белгилаб берилган. Яъни жамиятда янги маънавий макон яратиш, эзгу ғоялар, миллий қадриятлар, урф-одатлар, муқаддас анъаналарни сингдиришга қаратилган тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясидаги масъулият, ибратли ота-она бўлишнинг аҳамияти, маърифатли жамиятни қуришда маърифатли оналарнинг ролини кенг тарғиб қилиш, аёллар, айниқса, ёш қизларда оилага ҳамда Ватанга садоқат, фидойилик, ташаббускорлик туйғуларини сингдириш, “одобли қиз” ва “маърифатли она” қиёфасини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш шулар жумласидандир.

Шунингдек, фарзанд, айниқса, қизлар тарбияси, оила, оналар маънавиятини юксалтириш, оилаларда китобхонлик, мутолаа маданиятини тарғиб этиш, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни шакллантириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳам айни мақсадлардан ҳисобланади.

Ҳаракатнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у ёшлар ўртасида оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисодиёти ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида бўлиш масалаларини ҳамда “Оила — муқаддас” тушунчасини кенг тарғиб қилиш, қолаверса, хотин-қизларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, уларга қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқчил тилда тушунтиришда ҳам қўл келади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир маҳаллада 15 нафар фаол ҳамда ташаббускор аёлдан иборат ҳаракатнинг бошланғич гуруҳлари ташкил этилиб, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти билан ҳамкорликда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбияси, оила ва хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш йўналишида амалга оширган ишларининг натижадорлигига кўра жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан рағбатлантириб борилади.

Умуман олганда, қарор билан белгиланган вазифалар ижроси жамиятда соғлом маънавий муҳитни шакллантиради, аҳолига эзгу ғоялар, миллий қадриятлар, урф-одатлар, муқаддас анъаналарни сингдириш орқали оилалар мустаҳкамланади. Қолаверса, оилавий ажримларнинг олдини олиш ва энг муҳими, ҳар бир аёл доимий эътиборда бўлишини таъминлайди.

**Раъно ТУРДИБОЕВА,**
**Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси ўринбосари.**

ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи профессор-ўқитувчилар лавозимларига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

1. Ўқитувчи (математика фани: ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда) — 4 ўрин;
2. Ўқитувчи (кимё ва биология фанлари: ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда) — 1 ўрин;
3. Ўқитувчи (чет тили (инглиз тили) фани: ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда) (маҳаллий ёки чет эл сертификатига эга ўқитувчилар) — 1 ўрин;
4. Ўқитувчи (рус тили ва адабиёти фанлари: ўзбек ва рус тилида (родной язык и литература) ўқитиладиган гуруҳларда) — 1 ўрин;
5. Касбий фан (автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш “В” ва “С” тоифалари: ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда) — 2 ўрин;
6. Ўқитувчи (тарих фани: ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда) — 3 ўрин;
7. Ўқитувчи (жисмоний тарбия фани: ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда) — 1 ўрин (олий ҳарбий жисмоний мутахассислигига эга бўлиши керак).

“Темурбеклар мактаби”нинг ўқитувчи лавозимига ўтказиладиган танловда олий маълумотли ва камида 5 йил узлуксиз педагогик стажга эга бўлган шахслар иштирок этади. Илмий унвон ва илмий даражаси бор номзодларга устуворлик берилади.

**Танловда қатнашиш учун номзодлар томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

— “Темурбеклар мактаби” директори номига ариза;
— паспорт нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида паспортнинг асл нусхаси кўрсатилади);
— олий маълумоти тўғрисидаги диплом ва ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасидан берилган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатга мувофиқлик олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
— меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
— ўтказилган аттестация натижалари бўйича берилган сертификат нусхаси;
— 3,5 х 4,5 см. ўлчамдаги 4 та рангли фотосурат.

Танловда қатнашиш учун номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш ишлари мазкур эълон берилган санадан бошлаб 20 кун давом этади.

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи манзили:**
**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янгизамон кўчаси, 10-“А” уй.**
**Мурожаат учун телефон: 71-291-48-26.**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси университет ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Маҳмуджон Болтабаевга отаси

**Рустамжон БОЛТАБАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

# КЕЛГУСИДА ҲАМ БУНДАЙ ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ БЎЛИШГА ИНТИЛАМИЗ

**Нодирбек АБДУСАТТОРОВ, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиби:**



1 **— Ғалабамиздан хурсандлигимиз табиий эди. Лекин мамлакатимизда байрамона кутиб олинганимиз, айниқса, Президентимизнинг юксак давлат мукофотлари билан тақдирлаши, пул ва бебаҳо совғалар — биз учун кутилмаган қувонч ва унутилмас хотиралар туҳфа этди. Очиғи, бундай эъзоз ва эҳтиромдан беҳад мамнун бўлиб, кўзларимизга ёш келди. Қалбимда сўз билан тасвирлаб бўлмас ҳаяжонга уйғун катта масъулиятни ҳам ҳис қилдим. Келгусида ҳам бундай эътиборга муносиб бўлишга интиламиз.**

**Нодирбек ЁҚУББОЕВ, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиби:**



**— Юртимизга олтин медаль билан қайтганимиздан жуда хурсандмиз. Давлатимиз раҳбарининг бизга қўнғироқ қилгани, алоҳида табрик йўллагани барчамизга катта ғурур бағишлади. Ўзбекистон шахмати тарихида олимпиада мусобақасида биринчи марта олтин медални қўлга киритдик. Бизни қўллаб-қувватлаган барчага, Президентимизга чин кўнгилдан раҳмат айтамиз. Мана шундай қўллов, эътибор ва ғамхўрлик туфайли ғалабага эришдик. Ҳар бир тур жуда мураккаб кечди. Босим кучли бўлди. Бундай натижани кўрсатишимизни ўзимиз ҳам кутмагандик. Бизни дуо қилиб, қўллаб-қувватлаб турган барча юртдошларимизга раҳмат. Ўйлайманки, ғолиблик йўлимиз энди бошланди.**

**Жавоҳир СИНДОРОВ, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиби:**



**— Олимпиадага жўнаб кетиш олдидан, албатта, чемпион бўлиб қайтамиз, дея ваъда бергандик. Бироқ халқаро мутахассислар жамоамизни эмас, айнан Ҳиндистон, АҚШ, Арманистон, Нидерландия, Испания, Буюк Британия, Германия каби шахматда шуҳрат қозонган давлатларни фаворит ўрнида кўрганди. Бу нарса зиммамиздаги масъулият юкини янада оширди. Миямда фақат ваъдани бажариш фикри чарх урди. Яратганга шукр, олимпиададан мағрур, мардона бош кўтариб келиш насиб этди. Ишонаманки, бундай муваффақиятли одимларимиз бардавом бўлади. Насиб қилса, жаҳон шахмат тожини ҳам Ўзбекистонга олиб келамиз. Спортга, жумладан, шахматга эътибор мамлакатимизда кучайиб бораётган экан, ортимиздан келаётган укаларимиз ҳам ўзбек шахмат мактабининг шон-шуҳратини янада юксак босқичга олиб чиқишига шубҳа йўқ.**

**Жаҳонгир ВОҲИДОВ, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиби:**



**— Ғалабамиз шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, Ватанимиз байроғи кўтарилганда шундай юртда туғилиб, воята етаётганимдан фахрланиб кетдим. Халқаро майдонлардаги ғалабаларимиз мамлакатимизда ёшларнинг шахматга бўлган қизиқишини янада оширади. Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг охирги ҳал қилувчи ўйинида нидерландиялик гроссмейстерни мағлубиятга учратганимдан, халқимиз ва терма жамоамизнинг ғалабасига ҳисса қўшганимдан бахтиёрман. Ченнайдаги баҳсларда биз муваффақиятли иштирок этиб, ўзбек шахматчилари ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмаслигини яна бир карра исботладик.**

**Шамсиддин ВОҲИДОВ, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиби:**



**— Ғалаба — бу масъулият. Албатта, орзу бир жойда тўхтаб қолмайди, бирининг рўёби ортидан бошқаси келаверади. Олдинда бизни катта чемпионатлар, шунга яраша тайёргарлик, улкан марралар кутиб турибди. Жамоамизнинг ушбу муҳим ғалабаси Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига муносиб совға бўлди, деб ўйлайман. Ёшларга ўз иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариши учун шароит яратиб бераётган, бизга кутилмаган ва энг қадрли совғалар тақдим этган, давлат мукофоти билан тақдирлаган Президентимизга, барчамизни қўллаб, дуо қилиб турган халқимизга миннатдорлик билдирамиз.**

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

1 Кейинги йилларда, айниқса, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, икки йил ичида уларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Деҳқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган 560 минг нафар ёш учун 155 минг гектар ер майдони ажратиб берилди. Бунинг ҳисобига 800 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Ёшларни ишга олган ишбилармонларга ижтимоий солиқ суммаси қайтариб бериладиган бўлди. Айни пайтда бундай имтиёз ва имкониятдан 7 ярим минг корхона фойдаланмоқда. Уларда бугунги кунда 715 минг нафар йигит-қиз ишлаяпти.

Шу ўринда, айниқса, таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Баркамол авлод” болалар мактаблари мутлақо янгича тизим ва услубда фаолият олиб боряпти. Бугунги кунда мазкур мактабларга 260 мингдан зиёд ўсмирлар қамраб олинган бўлиб, улар турли йўналишларда касб-ҳунар ўрганмоқда. “Баркамол авлод” болалар мактабларини ривожлантириш, уларда ўқувчилар учун муносиб шарт-шароит яратиш, уларга қўшимча мотивация бериш, йигит-қизларимизни аниқ касбга йўналтириш мақсадида Тошкент Халқаро таълим ҳамда “Akfa” университетлари билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган ўқувчилар учун мазкур университетларга имтиҳонларсиз кириш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, “Шарқ аёли” халқаро хотин-қизлар жамоат фонди билан ўзаро ҳамкорликда “Баркамол авлод” болалар мактабларининг иқтидорли тўгарак аъзолари Россия Федерациясининг Волга давлат технология университети, адмирал Г.И. Невелский номидаги Денгиз давлат университети ҳамда Новочеркас инжинерия ва муҳандислик институтида бепул таҳсил олишлари учун грант ажратилди. Бунинг натижасида 240 нафардан зиёд иқтидорли битирувчилар грант соҳиби бўлиб, муддатидан аввал талабалик бахтига эришди.

Эътироф этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг маҳаллий ҳокимликларга берган алоҳида кўрсатмаси асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги “Баркамол авлод” болалар мактаблари ўқувчи-ёшларига имконият яратиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Сирдарё вилоятида тўгараклар эмин-эркин фаолият кўрсатиши, ўсмирларга қулай ва замонавий шарт-шароит яратиш мақсадида қарийб 40 миллиард сўм маблағ эвазига махсус мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энди мамлакатимизнинг барча ҳудудида ана шундай мактаб ва муассасалар бунёд этилади.

Шу билан бирга, мутлақо янгича тизим ва услубдаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда. Қувонарлиси, улар бугунги кунда илк меваларини бермоқда: ушбу даргоҳларда таҳсил олаётган ўқувчилар юқори кўрсаткич ва натижаларга эришмоқда. Масалан, ўтган йили Президент мактабларини битирган 424 нафар ўқувчининг барчаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имконига эга бўлди. Уларнинг 102 нафари хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларида ўқиётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўғил-қизларимиз ўтган йил ичида халқаро фан олимпиадаларида 255 та медални қўлга киритди.

Ёшларимизнинг спорт соҳасида эришаётган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқ. Жорий йилда 380 дан ортиқ спортчилар халқаро мусобақаларда 420 дан зиёд совринли ўринларни қўлга киритди. Айниқса, ўзбекистонлик йигит-қизларнинг куни кеча Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадаси чемпионига айланганини чинакам тарихий воқеа бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда эртамиз эгаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Аввало, келгусида ҳам навқирон авлоднинг замонавий касб ва билимларни эгаллаш имкониятларини янада кенгайтиришга эътибор



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган суратлар.

**Маълумот:**

**1999 йил 17 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 54/120-сонли резолюцияси билан Халқаро ёшлар масаласи билан шуғулланувчи вазирлар конференциясининг 12 августни “Халқаро ёшлар куни” деб эълон қилиш ҳақидаги тавсиясини маъқуллади.**

**Ушбу кунда жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътибори ёшларга оид масалаларга яна бир бор қаратилади.**

қаратилади. Энди 14 — 17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизлар ҳам “ёшлар дафтари”да белгиланган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланади. Қолаверса, имтиёзлар 11 тадан 25 тага кўпайтирилади. “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар замонавий касблар, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиши учун моддий рағбатлантирилади.

Мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумотларга қараганда, юртимизда айни пайтда ишсиз йигит-қизлар 1 миллион 200 нафарни ташкил этяпти. Жорий йилда 404 минг йигит-қиз ўрта таълимни, 151 минг нафари эса профессионал таълим муассасаларини битириб, меҳнат бозорига кириб келди. Табиийки, улар бандлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири саналади. Давлатимиз раҳбари айни шу масалада ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқилганини айтди. Масалан, бир йил давомида тадбиркорлик дастурларига 4 триллион сўм йўналтирилади ва бунинг натижасида 220 минг нафар ёш иш билан таъминланади. Шунингдек, 130 минг нафар йигит-қизнинг касб-ҳунар ўрганиши ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқиши учун 160 миллиард сўм субсидия ажратилади. Давлат корхоналари ва хусусий сектордаги бўш иш ўринларига 110 мингдан зиёд ўғил-қизлар жойлаштирилади. Ёшларнинг бизнес лойиҳалари учун эса 250 миллиард сўм субсидия ва компенсациялар ажратилади. Қолаверса, уларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолияти ҳам тизимли равишда рағбатлантириб бориляпти.

Ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотида спортнинг беқиёс ўрин тутиши ҳеч кимга сир эмас. Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларни ҳам янада ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаб берди. Эндиликда ҳар бир кўча, маҳалла, мактаб, коллеж ва техникумда футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича жамоалар тузилади. Бунинг натижасида бир томондан соғлом ёшлар вояга етса, иккинчи томондан, мамлакатимизда спорт турлари кенг ривожланади ва бу борадаги ютуқларимиз янада мустаҳкамланади.

Давлатимиз раҳбари нафақат мамлакатимиз, балки дунё ёшлари муаммоларини кенг саҳнага олиб чиқиш, уларнинг ечимлари борасида асосли таклиф ва мулоҳазалар билдириш ташаббускори сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, 2017 йил сентябрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш борасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусни жаҳон ҳамжамияти қўллаб-қувватлади. Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Дўстлар гуруҳи ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси ёшлар сиёсати соҳасидаги ташаббусларни, навқирон авлод ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишга қаратилган жамики ҳаракатларни рағбатлантиришдан иборат.

2020 йил августда Президентимиз ташаббуси билан ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган Самарқанд веб-форуми бўлиб ўтди ва ушбу анжуманда эришилган келишувлар эртамиз эгалари ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Форумда Ўзбекистон томонидан тайёрланган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳаси кенг муҳокама этилди, “Ёшлар — 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюция БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилгани унинг бугунги кун учун нақадар долзарблигини яна бир бор тасдиқлади. Шунингдек, Самарқанд резолюцияси ЕХҲТ Доимий кенгаши ва Ислом ҳамкорлик ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Мамлакатимизнинг ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилига бўлган содиқлиги Президентимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2021 йил 22 февралда бўлиб ўтган 46-сессиясидаги нутқида яна бир бор ўз аксини топди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис қилиш масаласини киритишга тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида фикр билдирди. Президентимиз ташаббуслари бугун ёшлар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш, бу борада халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутмоқда.

Янги Ўзбекистонда давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва йигит-қизлар ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш учун жуда кўп эзгу ҳаракатлар қилинмоқда. Ёшлар мамлакатнинг барча тармоғига кенг жалб этиляпти. Шуларга мос ҳолда улар билан ишлашга йўналтирилган алоҳида ташкилотлар ҳам шаклланмоқда. Ёшларни ўқитиш ва ҳар томонлама баркамол вояга етказиш учун барча шароит яратилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беришига ишончимиз комил.

Ватанимиз янада гуллаб-яшнашида айнан биз, навқирон авлод катта кучмиз. Бу, ўз навбатида, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари зиммасига ҳам масъулият юклайди. Юртимизда келажагимиз бунёдкорлари учун янада катта қулайликлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган таклиф ҳамда ташаббусларни илгари сурищда, йигит-қизларни фаолликка ундашда янада фидойи бўламиз.

**Севара МАҲМУДОВА,**
**Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари.**

# МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЕТАКЧИ КУЧ

*Ҳар бир мамлакат тақдири, тараққиёти, албатта, жамиятнинг асосий бўғини саналган ёшлар билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис замонавий билим ва кўникмаларга эга, она диёрининг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, интилувчан ва серғайрат авлодни тарбиялаш долзарб вазифа ҳисобланади. Халқаро ёшлар куни ҳам айнан шундай эзгу ғояни ўзида мужассамлаштирган.*

*Ушбу байрамнинг аҳамияти, Ўзбекистонда навқирон инсонлар камолотига берилаётган эътибор ва эришилаётган муваффақиятлар ҳақида дунё ёшларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.*

## Дунё нигоҳи

### «ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БУТУН ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ ҲАМ ИФТИХОРИГА АЙЛАНДИ»

**Улужой АКИФ,**
**“Kulis.az” портали бош муҳаррири, шоир ва таржимон (Озарбайжон):**



— Ўзбек маърифатпарвари Фитратнинг “Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир”, деган сўзлари, айниқса, сўнгги йилларда ўз тасдиғини топмоқда. Бу сўзлар айнан умид чечаклари ҳисобланган ёшларга қарата айтилгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистонда йигит-қизлар ўртасида спортни ривожлантиришга, уларнинг яхши таълим-тарбия олиши учун шарт-шароит яратишга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани айни шу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишлардир, десак, хато эмас. Куни кеча Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадасида Ўзбекистон ёшлари чемпионликни қўлга киритгани ҳам юқоридаги сўзимизнинг яққол тасдиғидир. Таъкидлашим жоизки, Ўзбекистон ёшлари бугун нафақат ўз юртининг, балки бутун туркий дунёнинг ҳам ифтихорига айланди.

### ЭЪТИБОР ИШОНЧ ВА РАҒБАТ БЕРАДИ

**Қарлиғаш ҚАБАЙ,**
**Орду университети талабаси, таржимон (Қозоғистон):**



— Халқаро ёшлар куни — дунё ёшларини жипслаштирадиган, дўстлаштирадиган, ўзаро ҳамкорликка ундайдиган байрам. Шу боис у деярли ҳар бир мамлакатда катта шодиёна билан нишонланади. Бу — ёшлар тақдирига алоҳида эътибор ифодаси. Йигит-қизлар нафақат хурсанд бўлади, балки уларнинг ҳаётга муҳаббати юксалади, эл-юрт тақдирига дахлдорлиги ошади, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланади, маънавияти, маърифати бойийди. Ҳаёт суръатлари кўз илғамас даражада шиддатли тус олган, инсон онгу қалбига мафкуравий тазйиқлар кучайган ҳозирги замонда бу жуда муҳим.

### ИЛДИЗИ БАҚУВВАТ ҚАДРИЯТ

**Ҳажи САФАРЎҒЛИ,**
**Истанбул билим университети талабаси (Туркия):**



— Ўзбекистон ёшлар мамлакати эканидан, аввало, кўплаб дўстларимнинг таърифию сўзларидан, шунингдек, интернет маълумотлари орқали яхши хабардорман. Мамлакатингизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати миллий ҳамда замонавий қадриятлардан сув ичади. Шу боис унинг илдизлари бақувват ва теран. Унга асосланиб, юртингизда навқирон авлоднинг яхши яшаши, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Зотан, мамлакат келажаги, миллат тараққиёти ёшларнинг билимига, ғайрату шижоатига, дунёқарашига, ватанпарварлик туйғусининг қанчалик юксаклигига, комиллик даражасига боғлиқ.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6